

## ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Сайдкулов Нуридин Акрамкулович*

*Гулистан давлат педагогика институти доценти*

*E-mail:mannur\_25@mail.ru*

*тел.: +998 97-340-22-99*

**Аннотация:** ушбу мақолада жамият барқарорлигини ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш орқали таъминлаш муҳим омиллардан бири еканлиги очиб берилган. Бундан ташқари ёшлар маданияти, хусусан, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини инновацион-креатив ёндашув асосида оширишга алоҳида эътибор қилиш ва бу борада инновацион усул ва воситаларни ишлаб чиқиш зарурати ёритилган.

**Калит сўзлар:** жамият барқарорлиги, ёшлар маданияти, сиёсий маданият, инновацион усул ва воситалар, менталитет, Тараққиёт стратегияси,

Ҳозирги кунда давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири жадаллик билан юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараён ва ҳодисаларни мустақил таҳлил қиласиган, янгича креатив фикрлайдиган етук авлодни тарбиялаб беришдан иборатдир. Шу боисдан ҳам, давлатимиз сиёсатида “...мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижаотли ёшларни тарбиялаш”[5]. Янги Ўзбекистон янгича дунёқараш соҳасида қилинадиган ишларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак, улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқараш ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равища давлатчилик тизимини яратгандиган гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун “Харакатлар стратегиясидан -Тараққиёт стратегияси сари” дадил одимлаётган эканмиз, мамлакат юксалиши, ҳалқимизнинг келажаги нафақат моддий омилларга, балки ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокига боғлиқ эканлигини ҳам чукур англамоқдамиз. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнларининг чукурлашуви, улар ўртасида “ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги сабабли дунёдаги 2 миллиарддан ортиқ ёшларнинг”[1] тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш борасида дунёнинг кўплаб давлатларида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу боис “ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг даражаси эртанги кун тараққиётини белгилаб бериши муносабати билан мазкур масала тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда”[2]. Ҳозирги пайтда БМТ Бош ассамблеяси томонидан ёшларни ҳар томонлама фаол этиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилганлиги ОАВ ларида ёритилиб борилмоқда. Шундай экан, ёшлар маданияти, хусусан, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини инновацион-креатив ёндашув асосида оширишга алоҳида эътибор қилиш ва бу борада инновацион усул ва воситаларни ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Шу боисдан ҳам дунёнинг кўплаб ривожланган мамалакатларида ёшларнинг сиёсий маданиятини креатив ёндашув асосида юксалтиришнинг методологик жиҳатларини ҳар тамонлама таҳлил ва тадқиқ этиш масаласи, хусусан, ёшлар сиёсий маданиятини оширишнинг усул ва воситаларини яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бирига айланди.



Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенг таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг сиёсий билимдонлик даражасини инновацион-креатив ёндашув асосида ривожлантириш энг муҳим мақсадларидан биридир. Бундай дейишимизга асосий сабаблардан бири “бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу миқдор бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан икки ярим баробар кўпдир. Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизи эса 18 ёшгача бўлган ёшлардир”[3]. Ҳозирда, Янги Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларга, уларни жисмоний-маънавий етук ёшлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “... ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда хам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатдан хам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[4].

Бу борада давлатимиз томонидан ёшларнинг сиёсий маданиятини энг илғор замонавий усул ва ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали мустакил фикрловчи ёшларни камол топтиришга алоҳида эътибор берилиб, кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш тизимини янада такомиллаштиришдир. Бу соҳада инновацион ёндашув зарурати муҳим касб этиб бормоқда. Бу борада таълим тизимини янада такомиллаштириш жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Барча даврларда буюк мутафаккирларимиз қарашларида инсонпарварлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик тамойиллари жамият аъзоларига, айниқса, ёшларга маънавий куч бўлиши ҳақида алоҳида тушунтириб борилган. Бу тамойилларнинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурлар биринчи навбатда оиласдан шакллантирилса, ёшларнинг дунёкараши ва турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида: “...Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш-барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз”[6], деган фикрлари хам ёш авлод тарбиясига ҳар доимгидан кўпроқ масъулиятли ва бефарқ бўлмасликни талаб этади. Мустакиллик даврида бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан ўтказилган ва ўтказилаётган тадқиқотларни таҳлил қилиш бу соҳадаги ишлар эндиGINA бошланаБГанидан, ҳали бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигидан гувоҳлик беради.

Инсонни ақлий-ижодий ривожлантириш масаласи ҳамма вақт мутафаккирлар ҳамда файласуф, тарихчи, сиёсатчи ва педагог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан: қомусий олимлар: Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг асарларидағи инсоннинг ақлий тарбиясида таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳақидаги таълимотлар буғунги кунда ҳам долзарбидир. Ҳозирги кунда Ш.Абдуллаева, Д.Арзикулов, Э.Фозиев, М.Давлетшин, Р.Джўраев, Б.Рахимов каби тадқиқотчилар ёшларнинг ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришган,



шунингдек, Ю.А.Карпова, Д.Дьюи, Е.П.Ильин ва бошқа олимлар креативликнинг психологик масалаларини тадқиқ этишган. Ю.Г.Круглов, В.А.Крутецкий, А.А.Рысева, Э.Г.Скибицкий, И.Ю.Скибицкая, Л.М.Фридман, И.Ю.Кулагина ва МДХ мамлакатларининг бошқа олимлари эса ёшларда креатив қобилиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишган. Ёшларда креатив қобилиятни шакллантиришнинг долзарб масалалари Р.Роу, Э.Де.Боно, Дж.Гильфорд, Э.Торранс, К.Роджерс, А.Маслоу, Ф.Баррон, С.Стернберг, Т.Любард, Ч.Лендри, К.А.Хеллер каби хорижий тадқиқотчилар тамонидан хам тадқиқ этилганлигини айтиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишларида, ёшларнинг креатив қобилиятини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари, сиёсий маданият ва уни шакллантириш каби муаммолари ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Жамият тузилмаларида инновацион онгнинг шаклланиши ўз-ўзидан кечмайди, албатта. Бунинг учун қулай ижтимоий шароит ва иқтисодий омиллар зарур. Инновацион онгни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар таркибига бир нечта ижтимоий омилларни киритиш мумкин. Инновацион муҳит – инновацияларни юзага келтирувчи ва ривожлантирувчи қулай ижтимоий шароитлар ва имкониятлар хисобланади. Бундай муҳит яратилиши давлат ташкилотлари ва жамият институтларининг инновацияларга йўналганлик даражаси билан боғлиқ бўлади. Инновацион маданият жамиятда ва унинг аъзолари онгидаги акс этадиган инновацияларга муносабат, шахснинг инновацион хатти-ҳаракатлари ва инновацион фаолият мажмуасидир. Инновацион маданиятнинг шаклланиши жамият аъзоларининг кириб келаётган янгиликлардан моддий манфаатдорлик даражасига бевосита боғлиқ ҳолда кечади. Инновацион қадриятлар жамият аъзолари учун муҳим аҳамият касб этган, моддий ва маънавий қимматга эга бўлган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

Шу нуқтаи назардан, илм-фан соҳасида ёшларни рағбатлантиришда шахсий мукофотлар билан биргаликда уларнинг устози ва улар мансуб бўлган ижодий гурухларини эътиборга олиш зарур бўлади. Масаланинг яна бир қизиқарли томони, иқтисодиёт бўйича берилган Нобель мукофотининг 26 таси икки кишилик ижодий гурухларга, 17 таси 3 кишилик жамоага, 3 таси эса 3 кишидан иборат тадқиқотчилар гурухига берилган[7]. Бундай креатив гурухнинг таркиби ижодийлик, креативлик ва инновациянинг ядроси хисобланади. Улар янги ғоялар, мураккаб вазифаларни бажара олиш хусусиятларига эга бўлиб, маълум “ижодий этнос”ни ташкил этадилар[8]. Бундай тадқиқот гурухлари етакчилик хусусиятларига эга бўлган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ва интеллектуал потенциали кучли бўлган креатив мазмунда фикрловчи шахсларни бирлаштира олиши билан инновацион жамият шаклланишига бевосита таъсир қўрсата олади. Улар жамоага юксак ютуқларни олиб келиши мумкин.

Таълим ва тарбиянинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби, бу соҳада ҳам ўзига хос долзарб муаммолар, яъни ҳали ҳал этилмаган, ечимини кутиб ётган қийинчилик, камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Масалан, буни ёшлар сиёсий фаоллигини ривожлантириш бўйича мамлакатимиздаги қатор ташкилотлар фаолияти даражасини аниқлашга қаратилган савол натижалари таҳлилидан билишимиз мумкин.

Фикримизча, мустақиллик шароитида ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришда, дастлаб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда:

-ўзбек халқининг узоқ тарихдан ривожланиб келган миллий анъана ва қадриятларини эътиборга олган ҳолда, ёшлар сиёсий маданиятига янада кўпроқ миллий мазмун касб эттириш ва таъсирини кучайтириш;



-ёшларнинг сиёсий дунёкарашини янада шакллантириш ва ривожлантириша буюк аждодларимизнинг сиёсий маданиятини ўзида акс эттирган бой маънавий меросдан тўлақонли фойдаланиш ва уларни маънавий устоз сифатида намуна қилиб кўрсатиш;

-ёшларни давлат ва жамият ишларини мустақил бошқаришга кенгроқ жалб этиш, бунинг учун зарур бўлган барча шароитларни тўла-тўқис яратиш;

-ёшларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланишга ўргатиш;

-сиёсий маданият шаклланишининг асосий омили сифатида кўпартиявийликни янада қўллаб-куvvatлаш ва фикрлар эркинлигини таъминлаш;

-сиёсий билимларни кенг тарғиб этган ҳолда, ёшлар сиёсий онгини янада юксалтириш ва уларда сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини ошириш;

-ёшларда Янги Ўзбекистоннинг сиёсий қадриятларига мойиллигини шакллантириш;

-уларнинг илмий ва маънавий даражасини дунёнинг ривожланган давлатлари ёшлари даражасига кўтариш.

Бугунги кунда, Янги Ўзбекистонни қуриш шароитида демократик жараёнларнинг изчил амалга оширилиши, мамлакатимиизда кечётган сиёсий ислоҳотларнинг натижадорлиги, мустақиллик неъматларининг қадрланиши ва бошқа ҳолатлар айни шу муаммоларнинг қай даражада амалга ошишига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш шароитида ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг асосий жиҳатларидан бири уларда даставвал миллат ва Ватан манфаатлари мезонида акс этувчи мустаҳкам эътиқодни шакллантиришдир. Ўз Она Ватанига, халқига эътиқоди юқсанак бўлган фарзанд жамият ва миллат манфаатларига зид ишларни қўлмайди, аксинча, унинг тараққиёти, эртанги куни ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида доимо қайғуриб яшайди. Айни вақтда, ёшларда эътиқодни шакллантириш зўрлик, мажбурлаш орқали эмас, амалий ишлар, намуна кўрсатишлар орқали, англатиш, тушунтириш ҳамда шу билан бирга, уларнинг шахсий манфаатлари ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга шароит яратиш орқали юзага чиқариш лозим. Токи, ёшлар уларда эътиқод эркинлиги Ватан озодлиги, мустақиллиги билан узвий боғлиқ эканлигини чуқурроқ англасинлар.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида шаклланиши керак бўлган соғлом эътиқод ёшларда атрофда юз бераётган ўзгаришлардан шахсан манфаатдор бўлиши билан бирга, ижтимоий-сиёсий томондан фаол, маърифатли ва комил бўлишини ҳам ўз ичига олади. Эътиқод, биринчи навбатда, ёшларда авлодларимиз меросидан фахрланиш, уларга ўхшашга интилиш ҳиссини шакллантириш орқали камол топади. Бой маънавий меросимиздан фахрланиш ҳиссини камол топтириш ёшларни ҳар томонлама, хусусан, сиёсий томондан етук қилиб тарбиялашнинг ўзаро алоқадор қисми эканлигини эътироф этиб, Президентимиз бугунги кун ёш авлод онги шуърида буюк аждодларимиз ва бой маънавий меросимизга бўлган ҳурмат ва садоқатни шакллантириш, уларни қадриятларимизни сақлашга ва авайлаб асрашга ўргатиш муҳим вазифамиз ва сиёсатимизнинг узвий қисми эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Хозирда ёшларнинг сиёсий маданияти тушунчаси табиатан бир-бирига зид бўлган ва жамият ҳаётининг вужудга келишининг яхлит бирлигини намоён этадиган ҳодиса сифатида маълум бир маданиятдан юзага келадиган маънолар билан кўпроқ бойитилган. Шу боис, ёшларнинг сиёсий маданияти маълум бир жамиятдаги маънавий ва маданий муҳитнинг сиёсий мезони, маълум бир одамнинг хулқи, унинг цивилизация тараққиётининг ўзига хос хусусияти сифатида кўпроқ акс этади. Шу мазмунда, ёшларнинг сиёсий маданияти давлат ҳокимияти соҳасида халқга тегишли бўлган урф-одатлар динамикасини, уларнинг замонавий шароитда мужассам этиши ва ривожланиши, келажакдаги сиёсатни шакллантириш шароитларига ўз таъсирини намоён этади.



Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мавзуни тадқиқ этиш давомида қуйидаги хulosаларга келинди:

- ёшларда сиёсий маданиятни инновацион-креатив ёндашув асосида шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигининг ўзига хос жиҳатлари, шундаки, аввало, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва улар билан турли хил сиёсий мавзуларда давра сұхбатларини ташкил этиб бориш ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва салоҳияти қай даражада эканлигини билишга хизмат қиласы;
- буюк аждодларимизнинг шарқона тамойиллар асосида давлатни бошқариш, мустаҳкамлаш ва юксалтиришга қаратилған асарлари, рисолалари ўтмишда халқимиз давлат тақдиди, халқ тақдиди учун масъулиятли бўлган қанчадан-қанча фозил кишиларни тарбиялаган ҳамда аждодларимизнинг сиёсий маданиятини ўзида акс эттирган бой маънавий меросдан тўлақонли фойдаланиш;
- азал-азалдан ўзбек халқи миллий қадриятлари ва анъаналарини инобатга олган ҳолда, ёшлар сиёсий маданиятига ҳар доимгидан кўпроқ миллий мазмун акс эттириш ва уларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб қилиш, бунинг учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш;
- ёшларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишни ўргатиш ҳамда сиёсий маданият шаклланишининг устувор омили сифатида кўп партиявийликни қўллаб-кувватлаш, ғоялар ва қарашлар эркинлигини таъминлаш;
- сиёсий билимларни кенг ёйган ҳолда, ёшлар сиёсий тафаккирини юксалтириш ҳамда уларнинг илмий ва маънавий салоҳиятини дунёнинг тараққий қилган давлатлари ёшлари салоҳияти даражасига етказиши, ёшларимиз сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг устувор омилидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. <https://news.un.org/565442-government-bodies-must-serve-people-uzbek-president>
2. Проблемы гражданского общества. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. - 2018. - Т. - №9 (14).
3. Турдиева Р. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б.5-6.
4. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир // “Халқ сўзи” 2017 йил 1 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь // Манба: [www.president.uz](http://www.president.uz)
7. Нобель мукофотининг расмий веб-саҳифаси. <https://www.nobelprize.org/> - Мурожаат этилган сана: 14.06.2017.
8. Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. –Москва: Классика XXI, 2005. –С. 22.
9. Nuriddin Akramkulovich Saidkulov (2020). THE IMPACT OF THE REFORMS ON THE POLITICAL CULTURE OF YOUTH. Academic research in educational sciences, (1), 152-156. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00022
10. Akramovich, Saidkulov N. "The Effect of Dynamic Changes in Society on the Political Culture of Youth." European Journal of Humanities and Educational Advancements, vol. 1, no. 2, 2020, pp. 7-9.



11. Akramkulovich, S. N. (2020). Important Tasks for the Development of Youth Political Culture: Problems and Solutions. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7(5), 494-497.
12. Akramkulovich, S. N. (2020). International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.
13. Saidkulov, N. A. (2020). ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 1(1).
14. Akramkulovich, S. N. (2020). METODOLOGICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF YOUTH POLITICAL CULTURE ON THE BASIS OF INNOVATIVE-CREATIVE APPROACH. Восточно-европейский научный журнал, (5-5 (57)), 39-42.
15. Saidkulov, N. A. (2020). The Impact of the Reforms on the Political Culture of Youth. Academic research in educational sciences, (1), 152-15
16. Akramovich, S. N. (2020). The Effect of Dynamic Changes in Society on the Political Culture of Youth. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(2), 7-9.
17. Akramkulovich, S. N. (2020). Important Tasks for the Development of Youth Political Culture: Problems and Solutions. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7(5), 494-497.
18. Saidkulov, N. A. (2020). ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 1(1).
19. Akramkulovich, S. N. (2023). HISTORICAL ROOTS OF THE FORMATION OF EASTERN POLITICAL THOUGHT. World Bulletin of Social Sciences, 19, 173-176.
20. Saidkulov, N. ISSUES OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF YOUTH POLITICAL CULTURE IN THE NEW RECONCILIATION PERIOD OF UZBEKISTAN.
21. Akramkulovich, S. N. (2023). JAMIYAT SIYOSIY TAFAKKURI SHAKLLANISHINING TARIXIY ILDIZLARI. SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI, 2(3), 1-6.

